Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 69 (21. 188) 1992 йил 7 апрель, сешанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

«Ўзбекистон овози» мухбирлар пости Мингбулоқдан хабар қилади

ФИДОЙИЛАР

Мингбулоқ нефть кони яқинида жойлашган Оқтош темир йўл станциясида иш қизғин боряпти. Бу ерда 10 дан ортиқ қурилиш-лойиҳалаш ташкилотлари иш олиб бормоқдалар. Мақсад битта — Мингбулоқ нефть конидан олинадиган «қора олтин»ни мана шу ердан истеъмолчиларга юборишни таъминлашдан иборат. Мен 24 соат давомида тиним билмай, уч сменада меҳнат қилаётган фидойи одамлар билан суҳбатлашдим.

Зокиржон Эгамбердиев, Намангандаги 10-қурилиш трести бошқарувчиси: — Бутун фаолиятимизни, асосий диққат-эътиборимизни нефть билан боғлаганмиз. Оқтошдаги катта ҳажмдаги ишларга масъулмиз — бош пудратчимиз. Айни пайтда бу ерда 360 метрдан зиёд нефть қуйиш эстакадаси, бир километрдан зиёд темир йўл, буғ қувурлар тармоғини қуриб битказдик. Шунингдек, 400 метрдан зиёд бетон ариқлар тайёрлаб қўйилди. Барча ишларни икки сменада ташкил қилганмиз. Оқтош темир йўл станциясида 5-монтаж ҳамда 16-қурилиш бошқармалари иш олиб боряпти. Тупроқ ва бетонлаш ишларини ҳам амалга оширяпмиз. Айниқса, 16-қурилиш бошқармамиз катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди. 11 кун давомида 3 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажардик.

Исоқжон Шокиров, Автомобиль йўллари вазирлигининг Наманган вилояти бўйича бош мутахассиси: — Барча вазирликлар қатори биз ҳам дастлабки кунларданоқ ишга киришганмиз. Наманган йўлсозлари нефтчиларга ва бу соҳа билан боғлиқ барча ташкилот-корхоналарга қулай шароит яратиб беришга эришдилар. Ўнлаб километр йўл қурилди ва ремонт қилинди. «Қора олтин»ни ташиб, етказиб беришда йўлсозларнинг хизмати беқиёс.

Биз ишга киришган кунданоқ вазиримиз Рустам Юнусов насос, қувур каби материалларни етказиб беришда бизга яқиндан ёрдам берди. Шунингдек, йўлсозларни рағбатлантириш учун вазирлик томонидан 500 минг сўм пул ажратилди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН ЧАКАНА НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Шу йил 7 апрелдан бошлаб республикада озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларига янги чекланган чакана нархлар жорий этилади: қолипда пиширилган нон (оқ, қора ва жавдар нон) — 1 килограмми 3 сўм, ун — 3 сўм 50 тийин, макарон — 6 сўм, гуруч — 6 сўм, чой—50 сўм, биринчи категориядаги барча турдаги гўштнинг биринчи нави — 45 сўм, ёғи олинмаган (ёғлилиги 3,2 фоиз) сут — 2 сўм 50 тийин, 25 фоиз ёғли сметана — 36 сўм, тухум (10 донаси) — 15 сўм, қанд-шакар 8 сўм, ўсимлик ёғи — 5 сўм, кир совун — 1 сўм. Айни пайтда ўсимлик ёғи, қанд-шакар ва совун нархи сақлаб қолинди.

Республика ҳукумати бир қанча жиддий объектив сабаблар туфайли ноиложликдан шу чора-тадбирни қабул қилди.

Биринчидан, кўп марта таъкидланганидек, Ўзбекистон иқтисодиётининг тузилиши ҳали ҳам хом ашё етиштиришга йўналтирилган, шу сабабли республика аҳолини таъминлаш учун халқ истеъмоли молларининг 60 фоиздан кўпроғини, шу жумладан доннинг 80 фоизга яқин қисмини, гўшт ва сут маҳсулотларининг 55 фоизини, қанд-шакарнинг 100 фоизини ва бошқа маҳсулотларни четдан келтирмоқда. Ана шу ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари МДҲ мамлакатларидан ва ҳориждан шартномавий бозор нархларида сотиб олинмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда республикага гўшт ҳар килограмми — 90-100 сўм, шакар — 30-35 сўм, тухум — 10 донаси 20 сўм, четдан олинаётган буғдойдан тортилган ун — 18-23 сўм, гуруч — 9 сўм нарх билан келтирилмоқда ва ҳоказо.

Иккинчидан, аҳолига молларни сотишнинг талонли ва купонли тизими билан ички бозор ҳимоя қилинаётганига қарамай бундай моллар, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамон Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетилмоқда, бундай маҳсулотларнинг нархи қўшни республикаларда биздагига нисбатан қимматроқ.

Учинчидан, бозор муносабатлари шароитида озиқ-овқат саноати корхоналари ва қишлоқ хўжалик корхоналари учун республикага келтириладиган хом ашё, машина-ускуналар, материаллар ва техника нархи ўнлаб марта ошди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари муттасил кўпайиб бормоқда, бу эса республика бюджетидан ёрдам тариқасида қайта-қайта пул ажратишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ҳозир ана шу ошиб кетган харажатлар анча қопланишини таъминламоқда. Масалан, аҳолига талонлар орқали сотилаётган ҳар килограмм гўшт учун республика бюджетидан 50 сўм, шакар учун — 32 сўм, тухум учун — 10 донасига 5 сўм, ун учун — 15-20 сўм ва гуруч учун 3 сўм пул ажратиляпти.

Бироқ бюджет камомади поёнсиз ва чексиз бўлиши мумкин эмас. Юқорида айтилган ва бошқа сабаблар туфайли чекланган янги чакана нархларни жорий этишга мажбур бўлинган шароитда ҳам бу нархлар Ўзбекистонда бошқа республикалардагига нисбатан анча арзонроқ бўлиб қолаверади, буни қуйида келтирилган жадвалдан кўриш мумкин.

Республика Олий Кенгаши III сессияси томонидан тасдиқланган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий қоидаларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 мартдаги маълум Фармонида кўзда тутилганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашнинг олдиндан белгиланган чоралари жорий этилганлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Ана шу Фармонга мувофиқ белгилаб қўйилган даромад оладиган 1,8 миллион кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 1,7 баравар кўпайтирилди, бунинг учун 13 миллиард сўмдан кўпроқ пул талаб қилинади. Айни пайтда иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори оширилиб, 350 сўмдан 550 сўмга етказилди. Бу эса халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлаш шунга мувофиқ равишда кўпайишига олиб боради.

Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари пенсияларининг энг кам миқдори икки баравар ошди. 2,4 миллион пенсионерга тағин ҳам кўпроқ миқдордаги пенсия тўлаш учун жами салкам 5 миллиард сўм ажратилди. Талабалар ва ўқувчи ёшларга ижтимоий мадад бериш юзасидан қўшимча чоралар кўрилди. Уларга имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойда тўланадиган қўшимча пул миқдори ҳамда талабалар ошхоналарида овқат қийматининг 50 фоизини тўлаш тартибини сақлаб қолиш билан бирга стипендиялар 1,5 баравар оширилди.

Республика ҳукумати аҳоли турмуш даражасини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари нархини барқарорлаштириш юзасидан бундан буён ҳам имкони бўлган барча чораларни кўраверади.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИ АЙРИМ ШАҲАРЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ЧАКАНА НАРХЛАРИНИНГ

ДАРАЖАСИ
(сўм ҳисобида)

	Ўлчов бирлиги	Тошкент ш. шу йил 7 апрелдан	Москва ш. шу йил 6 апрелгача	Олмаота ш. шу йил 6 апрелгача	Бишкек ш. шу йил 6 апрелгача
Ун	кг	3-50	13-00*	6-08	7-40
		ўрта ҳисобда 6-80 (1 н)*	(олий нав) 5-54 (1 н)	(о. н.) 4-50 (1 н)	(о.н.)
Олий нав ундан оқ нон	кг	2-80	14-00*	3-15	4-00
1 нав ундан оқ нон	кг	2-30	...	2-30	2-80
Жавдар унидан тайёрланган нон	кг	1-00	2-00*	1-80	2-50
Макарон	кг	6-00	14-00*	18-00*	26-00*
Гуруч	кг	6-00	16-00*	11-00	6-60*
Ўсимлик ёғи	кг	5-00	30-00*	9-00	16-00*
Чой	кг	50-00	190-00*	105-00	96-00*
Қанд-шакар	кг	8-00	70-00*	7-70	7-20
1 категорияли барча турдаги гўшт, 1 нав	кг	45-00	80-00*	46-00	49-00*
Тухум	10 дона	15-00	24-00*	16-50	12-00
Сут (қаймоғи олинмаган)	л	2-50	15-00*	2-00	2-50
Кир совун	дона	1-00	14-00*	3-00*	5-20*

*) эркин нархлар

ИСЛОМИЙ УДУМЛАРИМИЗ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ, ХАЛҚИМИЗ ЎЗЛИГИНИ ТАНИШИ, ЎЗАРО ИШОНЧ, ҲАЛОЛЛИК ВА ПОКЛИК ЎЗИНИНГ АЗАЛИЙ МУСТАҲКАМ ЎРНИНИ ТОПИШИ МУСТАҚИЛ ВА ОЗОД ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ, СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАВНАҚИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАДИ.

БУЮК ИХЛОС РАМЗИ



Мовароуннаҳр мусулмонлари рамазон ойини тўлиқ ибодат ва қаноат билан ўтказиб унинг ҳайитига етиб келдилар. Ўтган шанба куни Тошкент шаҳрининг барча мўмин-мусулмонлари қоқ ярим кечадан бошлаб кўчаларга чиқиб, масжидлар томон юра бошладилар. Ёмғир томчилаб, кейин узлуксиз ёғишига қарамай барча масжидлар хонақоҳлари, айвонлари, ҳовлилари одамларга тўла бошлади.

Пойтахтнинг Чилонзор кўчасидаги Катта Қозирабод маҳалласи ҳудудида қад кўтарган янги хушбичим масжид биноси ҳам ярим тунда чароғон эди. Бу ерда соат миллари ўтган сайин одамлар оқими қуюқлашиб бора бошлади. Янги масжид биноси яқиндагина ўзининг салобатини кўрсатди. У Катта Қозирабод ва Дўмбиробод маҳаллаларининг аҳолиси маблағига қурилган бўлса ҳам Чилонзор райони ҳокимияти қурилиш ускуналарини топиб беришда яқиндан ҳиммат кўрсатди. Умумхалқ ҳашарига айланган бу хайрли ишни амалга оширишда саксон ёшли Ғулом ота Ортиқов, район кенгаши депутати Жамол Асомов, маҳалла кенгашининг раиси Баҳром Юсупов, фаол Миршараф Мирҳамидов ва бошқа кўплаб кишилар жонбозлик қилдилар.

— Иккала маҳалланинг аҳолиси жуда катта ишни бажаришди, — дейди маҳалла кенгаши раиси Баҳром ака Юсупов. — Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳам яқиндан амалий ёрдам берди. Бино ўзбек халқ анъанавий меъморчилиги услубида бунёд этилди. Ўтмишда маҳалламизда кўп фидойи одамлар яшаб ўтишган. Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида ҳалок бўлган марду-майдон ўғлонларнинг юздан ортиғи номлари ёзилган ёдгорлик тахтасини ҳам шу масжид ҳовлисида қолдиришга аҳд қилинди. Ҳайит арафасида кўплаб маблағлар тўпланди. 2 минг сўм пул ночор кишиларга тарқатилди.

Катта Қозирабод янги масжидида ҳайит намози бошланиши олдидан Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари катта ваъз айтдилар. Минтақа мусулмонларининг ҳурматига сазовор бўлиб бораётган бу муҳтарам зот ўз нутқларида ислом динининг дунёга келиши, унинг ғояларини бутун курраи замин бўйлаб таралиб бораётганлиги, ислом динининг бошқа динлардан устунлиги, дин таълимотларига амал қилиш, унинг ғояларини пок сақлаш ҳақида батафсил тўхталдилар. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ҳар бир мўмин-мусулмон катта умумхалқ ишига астойдил ҳисса қўшмоғи лозимлигини уқтирдилар.

Шундан кейин масжидга тўпланган кишилар иштирокида ҳайит намози юксак ихлос ва пок ният билан ўқилди. Бу тадбирда Нурулло қори Қуръони каримдан сураларни зўр қироат билан ўқиди.

Ибодат ниҳоясига етгач, масжиддаги барча мусулмонлар бир-бирлари билан қўл олишиб, Рамазон ҳайити билан табрикладилар.

Ийд-Рамазон ҳайити намози жумҳуриятимиз масжидларида юксак эътиқод ва меҳр-муҳаббат билан ўқилди.

А. ПУЛАТОВ.

Суратларда: ҳайит намозидан лавҳалар.

В. ТУРДЕВ олган суратлар.

ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

● Яқинда Бахмал районидаги Ўсмат қўрғонида янги ғишт заводи ишга туширилди. Уни бу ердаги иккита механизациялашган кўчма колонна қурувчилари қисқа муддатда барпо этишди.

— Илгари район аҳолиси қурилиш материали, жумладан пишиқ ғишт излаб қўшни Ғаллаорол, Булунғур ва Ульянов районларига бот-бот қатнарди, — дейди завод директори Т. Алишаев. — Эндиликда бу муаммо ҳал этилди. Корхона қишлоқлардаги якка тартибда уй қураётган кишиларга пишиқ ва хом ғишт етказиб беришни йўлга қўйди.

Ҳозир заводда иш уч сменада ташкил этилган. Корхона атрофидаги Новқа, Муғол, Ўсмат қишлоқлари аҳолиси бу ерга ишга қабул қилиняпти. Ушбу тадбир туфайли ишсиз юрган бахмалликларнинг бир қисми барқарор иш жойига эга бўлмоқда.

И. БЕРДИМУРОДОВ.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги билдиради

1992 йил мартида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси Хитой Халқ Республикасига расмий ташриф буюрган эди. Ташриф чоғида бир қанча ҳужжатлар имзоланганди. Улар орасида ахборот айирбошлаш ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА билан ХХРнинг Давлат ахборот агентлиги — СИНХУА ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, банкларо битим, фан-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги, темир йўл, автомобиль ва денгиз транспорти, қишлоқ хўжалиги, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик, спорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида ва бошқа битимлар бор эди.

Ўтган ойда яна бир муҳим воқеа рўй берди: Тошкентда биринчи ажнабий элчихона очилди. У Америка Қўшма Штатларининг ваколатхонаси эди. Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консулхонаси элчихона мақомига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга қўшилганидан кейин биринчи марта Ўзбекистон делегацияси мазкур кенгашда қатнашувчи мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг ишида қатнашди.

Март ойида Туркия ташқи ишлар Вазири Ҳикмат Четин ва Сурия ташқи ишлар вазири Форуқ ал Шараа Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрдилар. Социал-демократик партиялар халқаро бирлашмасининг вице-президенти Х.-Й. Фогель, АҚШ давлат котибининг алоҳида топшириқларни бажарувчи элчи Н. Салго, АҚШ халқаро департаменти МДҲ ишлари билан шуғулланувчи бошқармаси директори Л. Наппер, ГФРнинг Москвадаги элчихонаси делегацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш маълумотчилари миссияси республикага келиб кетди. Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Волкан Жотур ва ХХРнинг мувақкат ишлар вакили Ли Чженьхуа Тошкентга етиб келдилар.

1992 йил 3 апрелга қадар 105 та мамлакат Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил давлат сифатида расмий равишда тан олди.

Шу кунгача Ўзбекистон Республикаси 27 та давлат: Австралия, Австрия, Бельгия, Венгрия, Вьетнам, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Италия, Хитой, КХДР, Корея Республикаси, Малайзия, Мексика, Монголия, Янги Зеландия, Польша, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Финляндия, Франция, ГФР, Япония билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолади.

Ташқи ишлар вазирлигида март ойида Буюк Британия ва Туркиядан келган беш нафар ажнабий мухбир қабул этилди.

Ўтган ойда Ўзбекистон Республикасининг 13 та давлат ва ҳукумат делегацияси ХХР, Ҳиндистон, Бельгия, Япония, Туркия, Финляндия, АҚШ, Франция, Англия, Венгрия, Швейцария, Германияга бориб келди.

1 мартдан 31 мартгача расмий ва ҳукумат делегациялари таркибида ҳаммаси бўлиб 119 киши 17 та мамлакатга сафар қилди.

Турли вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари йўли билан март ойида 741 киши Ўзбекистондан 35 та мамлакатга борди.

Март ойида салкам 3,5 минг ажнабий фуқаро Ўзбекистонга келиб кетди. Улар орасида турли делегацияларнинг аъзолари, дипломатлар, ишбилармонлар, мутахассислар, мухбирлар, саёҳатчилар бор эди.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

● Ўша кунги бюро мажлиси одатдагидан узоқроқ давом этди. Бунга биринчи сабаб муҳокамага қўйилган масаланинг долзарблиги бўлса, қолаверса, бюро аъзоларининг бу ишга қатъий ёндашувлари бўлди. Улар кун тартибига киритилган «Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашнинг аҳволи ҳамда бу борадаги энг муҳим вазифалар» маърузининг муҳимлигини эътиборда тутиб, уни ҳар томонлама чуқур муҳокама қилдилар.

БЮРО МУҲОКАМАСИДАН СЎНГ

ГАРЧИ шаҳардаги савдо ташкилотлари аҳолини энг зарур маҳсулотлар ва мол-ашё билан етарли таъминлаш юзасидан барча имкониятларни ишга солаётган, шаҳар раҳбарияти ҳам уни ўзининг доимий диққат-марказида тутган бўлса ҳам бу соҳада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп эди.

Бюро мажлисида ҳисоб берган шаҳар ижроия қўмитаси савдо бўлими мудири, ХДП аъзоси Адҳамжон Воҳидов ҳам, шунингдек мажлисга таклиф этилган йирик корхоналар, маҳалла қўмиталари раҳбарлари, фахрийлар вакиллари ҳам худди ана шу ҳақда жон куйдириб гапирдилар.

Очиқ-ошкора, холисона ўтган бюро мажлисида шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди ва у бугунги кунда ҳокимият билан бамаслаҳат амалга оширилмоқда...

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг шаҳар Кенгаши ташкил топган дастлабки дамларданоқ ўз фаолиятини меҳнаткашлар кундалик ҳаётининг энг муҳим соҳаларига қаратишга ҳаракат қилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар қандай сиёсий партия кундалик ҳаёт, у қўяётган муаммолар, халқнинг турмуши, орзу ва ташвишлари билан яшамас экан эл назаридан қолиши мумкин. «Партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади» деган ажойиб шиорни ҳаётга тадбиқ этиш, айниқса, ҳозирги шароитда ғоят катта аҳамиятга эга.

Тўғри, Ўзбекистон Халқ демократик партияси маъмурий-буйруқбозлик усулини қатъиян рад этди. Турли иқтисодий, хўжалик масалаларига билиббилмай аралашувларга чек қўйди. Аммо бу партия жамият ҳаётидан узилиб қолди, деган маънони англатмайди. Аксинча парламент усулида иш олиб борувчи сиёсий куч сифатида давлат ҳамда бошқарув органларига сайланган партия аъзолари орқали жамият ҳаётида рўй бераётган барча ўзгаришларга ўз таъсирини ўтказяпти.

Ана шундай масъулиятли паллада Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий Ижроия Қўмитаси тўғри йўл тутди. Жумҳуриятда ва жойлардаги партия Кенгашлари қошида кам таъминланган, муҳтож фуқароларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида «Депутатлик қабулхона»лари ташкил этишга қарор қилинди.

ХДП шаҳар Кенгашининг февраль ойи охирларида бўлиб ўтган ижроия бюроси мажлисида ана шу масалани атрофлича муҳокама қилдик. Бюро мажлисига 86 нафар шаҳар, вилоят ва жумҳурият халқ ноибларини бирлаштирган депутатлар фракциясининг аъзолари ҳам таклиф этилди. Кўпчилик билан бамаслаҳат ўша куни ХДП шаҳар Кенгаши қошида «Депутатлар қабулхона»си очиш ҳақида қарор қабул қилдик.

Ҳозир ушбу қабулхона ўз ишини бошлаб юборган. Халқ ноиблари ҳафтанинг маълум кунларида фуқароларни қабул қилиб, уларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам бермоқдалар. Бундан ташқари кўмак сўраб мурожаат қилган фуқароларга, аввало аҳолининг кам таъминланган табақалари, нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Депутатлар қабулхонаси» қошида «Меҳр-шафқат» ёрдам жамғармаси фонди ҳам ташкил қилинди.

Шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 115 та бошланғич партия ташкилоти иш олиб боряпти. Улардан саккизтаси ҳудудий ташкилотлар бўлиб, ўз атрофига партия ташкилотларидан ҳоли қилинган муассасаларда ишлаётган партия аъзоларини бирлаштирган.

Бошланғич ташкилотларда аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бориш соҳасида муайян тажрибага эга бўлган партия ходимлари ишламоқдалар. Йигирув-пайпоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Большевик», электр ва тўқимачилик машинасозлиги заводлари, Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси бошланғич партия ташкилотлари ўз меҳнат жамоаларидаги илғор ташаббусларнинг бошловчилари сифатида майдонга чиқмоқдалар. Партия сафларини илғор ва ижтимоий фаол фуқаролар ҳисобига мустаҳкамлаш, партия ички турмушини ташкил этишнинг янги-янги усулларини амалда қўлланиш, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза этиш соҳасида кўламли тадбирларни амалга ошириш улар фаолиятининг мундарижасини ташкил этади.

Тўқимачилик машинасозлиги заводида бўлиб ўтган партия йиғилишида ХДП аъзоси А. Тожиев сўзга чиқиб:

— Шаҳарни чайқовчи босиб кетди, назорат органлари бу соҳада тартиб ўрната олмаяптилар. Кўп нарсалар базалардан тўғри чайқов бозорига бориб тушяпти. Халққа қийин бўляпти. Хўш, биз нега четда туришимиз керак, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашида илгари мавжуд бўлган ижтимоий-адолат комиссияси қаёққа ғойиб бўлди? Нега у тикланмайди?— деб жон куйдириб гапирди.

Бундай эътирозлар ХДПнинг бошқа бошланғич ташкилотларида ҳам ўртага қўйиляпти. Биз бу масалани ХДП шаҳар Кенгаши ижроия бюросида муҳокама этиб, таклифларимизни шаҳар раҳбариятига ҳавола қилдик. Шундан сўнг Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ҳузурида ижтимоий-адолат комиссияси қайта тикланди ва у ҳозир ишга жиддий киришган. Комиссия таркибида ХДП шаҳар Кенгаши ижроия бюроси аъзоси, бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси К. Назирова ҳам бор.

Биз фақат корхоналардагина эмас, шу билан бирга аҳоли яшайдиган жойларда ҳам партиявий ишларни кучайтиришга эътибор беряпмиз. Ҳ. Умаров, А. Мамажонов раҳбарлигидаги Тоғлиқ ва Бедабосган маҳаллалари ҳудудий партия ташкилотлари маҳалла ва уйларда оммавий-сиёсий иш олиб боришни кучайтириб юбордилар. Масалан, Бедабосган маҳалласида маҳалла қўмитаси учун бино қурилиши ташаббускори маҳалла ХДП ташкилоти бўлди. ХДП шаҳар Кенгаши бюроси қуйи партия ташкилотининг ташаббусини қувватлади ва қурилиш учун маблағ ажратишга ҳам қарор қилди. Бино қурилиб ишга туширилгач бу ерда ХДП бошланғич ташкилоти учун ҳам алоҳида хона ажратилади ва у партия маблағлари ҳисобига жиҳозланади. Келгусида оммавий-сиёсий тадбирларни амалга оширишда бу бизга, албатта, қўл келади.

Ана шундай фидойиларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли шаҳар меҳнаткашларининг кўпчилиги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жумҳурият давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга, фуқаролар осойишталигини ҳамда миллатлараро тотувликни қарор топтиришга, демократик асосда равнақ топувчи жамиятни барпо этишга қаратилган муштарак мақсадларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Бироқ шаҳар партия ташкилоти фаолиятида ҳали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўп. Масалан, баъзи бошланғич ташкилотларда ХДП Дастури ва Низомини ўрганиш бўйича ҳудудий ташкилотлар ишини уюштириш, уларни маълум мақсад сари йўналтиришда ҳам бир қанча камчиликлар бор.

Шаҳар, ҳатто вилоят матбуоти нашрининг йўқлиги айниқса ишимизга салбий таъсир кўрсатяпти. Тўғри, қоғоз танқислиги, рўзнома сарф-харажатлари тобора ошиб бораётган шу кунларда бу масалани ҳал этиш жуда қийин. Аввало, Марказий Кенгаш, қолаверса вилоят партия Кенгаши ҳеч бўлмаганда вилоятда партия рўзномасини таъсис этиш масаласини ҳал этганда мақсадга мувофиқ бўларди. Боиси баъзи вилоят, шаҳар ва районларда чиқаётган рўзномалар «мустақиллик» ниқоби остида «ҳар мақомга йўрғалаётган» бугунги шароитда 350 минг кишини ўз атрофига бирлаштирган партия ташкилоти турмушини жумҳурият миқёсидаги биргина рўзномада батафсил ёритиш қийин, албатта.

Яқинда жумҳуриятимиздаги барча шаҳар ва районлар партия кенгашларининг биринчи котиблари қатори мен ҳам Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми ишида қатнашдим. Унда иштирок этган партиямиз раиси, Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз нутқида мустақил жумҳуриятимизнинг бугунги ҳаёти ва унда Халқ демократик партиясининг тутган ўрнига алоҳида урғу берди.

Шубҳасиз, партиямиз Раисининг пленумда илгари сурган йўл-йўриқлари биз — партия ходимлари орқали ҳар бир партия аъзосига етиб боряпти ва шу йўналиш ХДПнинг Дастури ҳамда Низомида кўзда тутилган барча мақсаднинг амалга оширилишида муҳим йўриқ бўлиб қолади.

Биз пленумда кўтарилган барча масалаларни, қабул қилинган ҳужжатларни партия аъзоларига етказдик. Улар ана шу қарорларни амалга оширишда бир тан бир жон бўлиб ишлашга сўз бердилар.

Тақдир тақозосига кўра Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг оёққа туриш, қад ростлаш даври жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият мураккаблашган пайтга тўғри келди. Лекин биз айни ана шундай шароитда фидойилик намуналарини кўрсатиб ишласак, партиямиз мақсад ва вазифалари ҳаётий, халқчил, истиқболли эканлигини амалда исботласак, халқнинг эътибори ҳамда ишончини қозона олсак, кўзлаган ниятларимизга, албатта, етамиз.

Ф. АЗИМОВ,
ХДП Қўқон шаҳар Кенгашининг биринчи котиби.

Тошкент компрессор заводи қошидаги «Форпост» кичик корхонаси вакиллари блокли панелларнинг янги конструкциясини яратишди. Ушбу автоматик қурилмалар компрессор станцияларининг фаолиятини назорат қилишда жуда қўл келмоқда.

Ҳозир корхонада янги маҳсулотни конвейер усулда ишлаб чиқаришга киришилди. Илгари завод бундай қурилмаларни Эстониянинг Тарту шаҳридан келтирарди. Эндиликда муаммо ўзимизда ҳал қилинадиган бўлди.

СУРАТЛАРДА: 1. Қурилмаларни йиғиш цехида. 2. Компрессор станциясида панелли блоклар синовдан ўтказилаяпти.

Р. ШАМСУДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.



КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи оширилганлиги ноилож-ликдан кўрилган чора эканини талабалар тушуниб туришибди. Шу сабабли Президентнинг пенсиялар, стипендиялар миқдорини, шунингдек бюджетдан маблағ олувчи муассасалар ходимларининг иш ҳақини ошириш ҳақидаги фармонини улар Ўзбекистон раҳбариятининг талабаларга амалий ғамхўрлик намунаси деб миннатдорлик билан қабул этдилар. Эндиликда стипендия бир ярим баравар оширилгач, оддий стипендия 397 сўмга, оширилган стипендия эса 495 сўмга етди. Йигит ва қизлар ҳар ўқув куни учун овқатланиш чиқимлари тарзида беш сўмдан қўшимча пул олмоқдалар. Февралдан бошлаб барча ўқув юртларида талабаларнинг ошхоналаридаги тушликлар учун имтиёзли талонлар жорий қилинди, бу талонлар бепул бериладиган бўлди. Жамоат транспортида юриш ҳам студентлар учун анча арзонга тушмоқда — улар кира ҳақининг ярмисини тўлайдилар. Бундан ташқари улар ойига бир марта театрга бепул тушишга ҳақлидирлар.

Бу рақамлар республика ҳукуматининг қийин иқтисодий даврда талабалар унчалик азият чекмасликлари учун ҳаракат қилаётганидан дарак беради. Бизнинг касаба уюшма комитетимиз ҳам бу соҳада баъзи бир ишларни қилмоқда. Ётоқхоналар ёнида янги озиқ-овқат дўкони очилишини қаттиқ туриб талаб қилдик ва бунга эришдик. Наврўз кунлари ҳамма учун бепул байрам дастурхони ёзилди, ҳар бир ётоқхонада концерт, ёзувчилар, артистлар билан учрашувлар ўтказилишига ҳаракат қилдик.

Талабалар бу меҳрибонликни сезиб туришибди. Улар моддий муаммоларни ҳал этишга қанчалик кам вақт сарфласалар, ўқув жараёни шу қадар самарали бўлишини тушунадилар. Ҳукуматимиз талабаларга бугун ғамхўрлик қилиш орқали республикамизни эртага малакали мутахассислар билан таъминлаш учун замин яратмоқда.

М. ТОЖИБОЕВ,
Тошкент давлат дорилфунуни талабалар касаба уюшма комитетининг раиси.
(ЎзА).

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЖАНГОВАРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида «Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг иши ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Мазкур хўжалик бошланғич партия ташкилоти ўз фаолиятини ХДП Дастури ва Низоми асосида уюштириб, барча фуқаролар учун ижтимоий адолатни, маънавий янгиланишни таъминлашга қаратмоқда. Бошланғич ташкилот ҳисобида 123 нафар партия аъзоси бор. Улар 16 та цех партия ташкилотига уюшган. Уларнинг бевосита иштироки билан қишлоқлардаги бир қатор мавжуд ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал этилмоқда. Қишлоқларга ичимлик суви келтирилди. Уй-жойларга бўлган талаб қондирилаётир. Колхозда кичик корхоналар ишлаб турибди. Консерва заводи, сут-пишлоқ цехи қурилиши жадаллашмоқда. Хўжалик ўтган йилни 3,5 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Маблағнинг асосий қисми меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини яхшилашга сарфланмоқда.

Шу билан бирга бошланғич партия ташкилоти ташкилий ва сиёсий ишларни олиб боришда камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Жойларда мафкуравий ишларни ташкил этиш савияси паст. Партия сафига янги аъзолар қабул қилиш суст. Ёшлар ва зиёлилар ҳисобидан ХДП аъзолари сафи кенгаймаяпти.

Қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш талабга жавоб бермайди. Бошланғич партия ташкилоти ижроия бюроси ишида талабчанлик ва ташаббускорлик етишмайди. Бир неча ойлаб аъзолик бадалларини тўламаган партия аъзолари ҳам бор.

Вилоят партия кенгаши Шаҳрисабз район партия кенгаши ижроия бюросига Энгельс номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти ишидаги ана шу нуқсонларни зудлик билан тугатиш, унинг жанговарлигини ошириш зарурлигини кўрсатди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САХОВАТ

ХДП район кенгаши ночор қариялар, ёлғиз, кам даромадли ва кўп болали оилаларга имкон даражасида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга эътиборни қаратмоқда.

«Наврўз» байрами арафасида районда меҳр-шафқат куни ўтказилиб, район кенгаши вакиллари жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан биргаликда шундай хонадонларга ташриф буюриб, кўнгил сўрашди. Нафақахўр, кам даромадли 20 оилага жами 3 минг сўмдан зиёд моддий мурувват кўрсатилди.

Бундан ташқари район ҳудудидаги 41-, 43 ва 50-мактаб — интернатлар ўқувчилари учун умумий қиймати 3,5 минг сўмга яқин ўқув воситалари, ҳар хил китобчалар туҳфа қилинди.

Район кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари камбағал оилаларга саховат кўрсатишни давом эттирмоқда.

Ш. ИНОМОВ,
Поп район ҳокимияти аппарати бош мутахассиси.

ХИТОЙ БИЗДАН ЎРГАНЯПТИ

● Қўқон шаҳридаги тиш касалликларини даволаш шифохонасининг доврўғи дунёга кетган. Бу ерда замонавий даволаш асбоб-ускуналарининг ёрдамида малакали шифокорлар тиш касалликларини даволайдилар.

Яқинда Хитойнинг Сиани шаҳри медицина дорилфунуни ректори бошчилигидаги бир гуруҳ шифокорлар бу ерда бўлиб, тиш касалликларини даволаш соҳасида Қўқонда катта изланишлар олиб борилаётганлигини айтишди. Шифохона бош врачи Б. Мансуров Хитой шифокорлари таклифига мувофиқ Сиани медицина университетида лекциялар ўқиди. Келишувга мувофиқ Қўқон тиш касалликлари шифохонасига бир гуруҳ хитойлик аспирантлар малака ошириш учун келадилар.

НОГИРОНЛАР СПАРТАКИАДАСИ

● Фарғонада Ўзбекистонда биринчи марта ногирон спортчилар учун спартакиада мусобақалари ташкил этилди.

Вилоятнинг «Орзу» ногиронлар спорт клуби ва жисмоний тарбия ҳамда спорт жамиятлари касаба уюшмалари вилоят кенгаши ташкил қилган бу мусобақаларда 150 дан ортиқ ногирон спортчи иштирок этди.

Шаҳарнинг турли стадионларида ўтказилган мусобақалар қизғин кураш руҳида ўтди. 57 килограмм вазндаги Қ. Иброҳимов 105 килограммли штангани силтамасдан кўтариб, бу соҳада Ўзбекистон рекордини ўрнатди. Ҳ. Кимсанов, В. Кочетковлар ҳам спортнинг бошқа турлари бўйича спартакиада чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Халқ таълими: изланишлар йўлида

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАРНИ ЎЙЛАБ

● Мустақиллик республикамиз халқ хўжалиги, адабиёти, санъати, фани, маданияти ва таълими соҳасида янгича қарашга, эски қолипдан воз кечишга ундамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги кунда халқ таълимини янги поғонага кўтариш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ўрта мактабдаги таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларга алоҳида эътибор беришга йўналтириляпти.

Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълимида бу ишлар қандай амалга ошириляпти. Махсус мухбиримиз М. Пирматов шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Халқ таълимига эътибор биринчи даражали иш, — деди Ҳамидулла Қаюмович. — Ахир, келажагимиз пойдеворини яратувчи мутахассислар бугун мактаб даргоҳида билим олаётган ёшлар.

Халқимиз ҳаётимизни иқтисодий ва ижтимоий янгилаш дастурини бажаришда ёшларнинг имкониятларига умид билан қараётир. Тарбия ишлари тўғри олиб борилганда, унинг куч-қуввати, янгиликка, яратувчиликка интилиши жамият тараққиётини таъминлаб беради.

Биз эндиликда ўз ўтмиш авлодларимиз бой меросига, халқ педагогикасининг ўгитларига, бой миллий анъаналарга тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолдик.

Биз узоқ вақт мобайнида ўртамиёна ўқувчини назарда тутиб болаларни бир хил ўқитиб келдик. Натижада тарбияланувчиларимиз ўқишга салбий муносабатда бўлиб келдилар. Хўш, бунинг учун фақат ўқувчиларни айблаш тўғрими? Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мактаб ўқув дастурлари ўта мураккаб тузилган: I—XI синфларда ҳафталик ўқиш 370 соатга боради. Ҳолбуки, у 80-йилларгача 300 соатдан ошмаган. Биз болаларни 25 та фан бўйича ўқитамиз. Алишер Навоий даврида мактаблардаги ўқув фанлари 5—6, Ватан урушидан кейин эса 7—8 тани ташкил этган.

Айрим фанларга ажратилган соатлар нисбати ҳам талабга жавоб бермайди. Бизда мусиқа, жисмоний тарбия, расмга ажратилган вақт икки фойздан сал кўпроқни ташкил қилади. Япония, АҚШ давлатларида эса бу кўрсаткич 12—15 фоизга тенг. Шу тарзда биз ўқувчиларда маънавиятни шакллантирувчи, жисмоний саломатлигини мустаҳкамловчи дарсларга иккинчи даражали масала деб қарашга одатланиб қолдик.

Иқтидорли болалар мактаби ёки лицейлар, гимназиялар очилмоқда. Бу ерда болаларнинг ижодкорлик имкониятлари аниқланиб рибожлантирилади. Техник йўналишдаги 300 та мактаблицей иқтидорли ўқувчиларни ўқитишга мўлжалланган. Бу ерда шуғулланиш учун ҳамма шароит муҳайё. Ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 15—20 кишидан ошмайди.

— Табақалаштирилган таълим хусусида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Таълимнинг табақалаштирилгани, ижодий иқлим, олий ўқув юрти дастурига яқинлаштирилган дин, жаҳон ва миллий санъат тарихи, фалсафа, техник фанларнинг ўқитилиши — таълимни жозибали қилиб юборди. Машғулотларни олий ўқув юртларининг муаллимлари ва энг яхши ўқитувчилар олиб бормоқдалар. Лицей учун қўшимча маблағни эса меҳнат жамоалари, ҳомийлар, район ҳокимияти ажратмоқда. Яна уч йилдан сўнг лицейни бир гуруҳ ёшлар битириб чиқишади. Бу талабалар нафақат ўзимизда, балки чет элларда ҳам муваффақият билан ўқишлари мумкин.

Бундай лицей ва гимназия синфлари 16 та мактабда фаолият кўрсатмоқда. Ёшларнинг маданий меросга қизиқишини ҳисобга олиб 254-мактаб педагогик жамоаси олий ўқув юртлари кафедралари билан ҳамкорликда «Маданий меросга ихлос» дастурини ишлаб чиқди. Мактаб марказидаги бу ишга олимлар—тарихчилар, археологлар, адабиётшуносларнинг, шаҳарнинг йирик илмий кадрлари жалб этилган.

12 та тажриба майдончаси жамоалари янги ўқув дастурлари ва услублари устида иш олиб бормоқдалар. Жумладан, 73-мактаб, 234-мактаб, 241-мактаб, 90-мактаб ва бошқа мактаблар ижодий лабораторияларга айланиб қолдилар.

Айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига манзур бўлиб бормоқда. Ҳар бир ўқувчи шаҳардаги ихтисослашган 156 та мактабдан биронтасини танлаб олиши мумкин. Бу Тошкентдаги барча умумий таълим мактабларининг ярмини ташкил қилади. Бу оқим кетидан эргашиш деган гап эмас, аксинча, ҳар бир ўқувчининг билим олишга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун таълим шаклларини излаш демак. Биз бундай муаммони олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилгандагина ҳал қилишимиз мумкин.

Бош бошқарма билан Тошкент автомобиль йўллари институти, Беруний номидаги Тошкент техника дорилфунуни, Кимё технология институти ўртасида шартномалар тузилди. Шулар асосида 76-, 110-, 273-, 256-мактабларда ихтисосли синфлар очилди. Бу синфларга қабул аъло ўқийдиган ўқувчилар ҳисобидан танлов асосида олиб борилади. Бош бошқарманинг иқтидорли болалар учун синфлар ташкил қилиш бўйича республика Фанлар академияси билан тузилган шартномаси, ижодий алоқаларни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди.

Олтмишдан ортиқ мактаб, олтита ҳунар-техника билим юрти институтлар билан бўлажак абитуриентларни танлаш ва тайёрлаш юзасидан ўзаро манфаатли шартномага эга. Бу шартномаларда олий ўқув юртига имтиёзли қабул ҳам кўзда тутилган. Ҳозирги кунда шаҳар мактабларида 13 фан доктори, 184 фан номзоди ва 287 институт ўқитувчилари билим бермоқда.

Бу ижобий ўзгаришлар, биринчи навбатда таълим шаклини қамраб олади. Аммо тарбия тизими хусусида бундай фикр билдириш қийин. У ҳамон ўзига хослиги билан мустақил йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Тарбияда миллий урф-одатлар, халқ педагогикасининг қонун-қоидалари етакчи ўрин эгаллаши керак. Бунинг учун «Одобнома» дастурида материаллар етарли. Етакчи ўқитувчилар — 96-мактабдан Турғуной Аъзамова, 234-мактабдан Дилором Дўстмуҳамедова (дарслик муаллифи), 223-мактабдан Адолат Ниғматова ва бошқалар ўқувчиларда янги фанга меҳр уйғотмоқдалар. «Одобнома» ҳар бир дарснинг таркибий қисми бўлиб қолиши зарур.

Ҳар бир ўқитувчи ўз дарсларида муқаддас Қуръони карим ва ҳадислардаги тарбияга мос маънавий қадриятлардан фойдаланган ҳолда бу ишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. «Ўзининг бағоят чуқур тарбиявий мазмуни, тил мушоҳадасининг бойлиги билан Қуръони карим инсоният учун яратилган энг буюк адабий мўъжизалардан бири» деб аталишига лойиқдир.

— Миллий мактаблар ташкил этиш ҳақида нима дейсиз?

— Миллий мактабнинг оёққа туриши — шахс миллий маданиятини шакллантириш, миллий ўзлигини, тарихий хотирани тиклаш, болаларни она тилига, миллий анъаналар ҳамда ахлоқ руҳида ўқитиш ва тарбиялаш имконини беради.

Ота-оналарнинг фарзандларини ўз тилларида ўқитиш истакларини доимий равишда ўрганиш зарурлиги алоҳида тилга олинди. Натижада таълим ўзбек тилида олиб бориладиган болалар боғчалари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари тармоғини бирмунча кенгайтирмоқ зарур.

Миллий мактабнинг тузилишини кўп ҳолларда дин тарғиботи билан боғлашга уринишлар кўзга ташланмоқда. Дин, фалсафа, илм дунё маданиятининг бир қисми. Унда ота-боболаримиз томонидан ишлаб чиқилган инсонийлик моҳияти, ахлоқи акс этади. Шу муносабат билан «Дин тарихи»дан факультатив курслари жорий этиляпти. Оқсоқолларнинг ваъзлари, ўқувчиларнинг маҳалла кексалари билан учрашувлари ўтказилаётир. Мактабнинг вазифаси ўқувчиларнинг диний илмларга бўлган қизиқишларини ахлоқий-маънавий қадриятларни эгаллашига йўналтиришдан иборат. Донишманд олимларимиз Абу Али Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирза Улуғбек ва бошқалар диндор бўлишларига қарамай математика, фалакиёт, кимё, тарих, фалсафа, адабиётдан чуқур билимга эга бўлганлар.

Бугун ҳар томонлама билимдон, ахлоқли, пок авлодни тарбиялаш бўйича умумий мақсадимизни аниқ белгилаб оладиган пайт келди. Биз муҳтарам муфтий ҳазратларига, доно оқсоқолларга, маҳалла қўмиталарига, ота-оналар, ўқитувчиларга мурожаат қилдик, ҳамкорлик йўлларини излашга чорладик. Бунда тарбия воситалари ҳар хил. Лекин мақсад битта — мустақил Ўзбекистон Республикасининг оқ кўнгил, меҳнатсевар, соф виждонли фуқаросини тарбиялашдан иборат.

КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

● Далаларда экиш-тикиш ишлари бошланиб кетди. Зеро, эл-юртнинг насибаси ердан! Хўш, бу йилги деҳқончилик мавсуми қандай ўтади-ю, халқимизнинг насибаси қай йўсинда яратилади? Бу ҳақда махсус мухбиримиз Ш. МИРҲАБИБОВ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бошлиғи Р. НАЗАРОВ билан суҳбатлашди.

ҲОЗИРГИ ҲАРАКАТ— КУЗГИ БАРАКАТ

● Долзарб мавзуда суҳбат

— Бу йилги мавсум ҳам пахтакорларимиздан алоҳида тайёргарликни талаб қилмоқда. Далалардаги ҳозирги аҳвол ҳақида гапириб берсангиз? Зеро, ҳозирги ҳаракат— кузги баракат, деб бекорга айтишмайди-ку!

— Янги мавсумга ҳақиқатан ҳам кузгаёқ тайёргарлик кўрилганди. Барча майдонларнинг асосий қисми кузда шудгорлаб қўйилди. Каттагина майдонларга экиш учун «АН—415», «АН—510», «С—6530», «Наманган—77», «Юлдуз», «Фарғона — 3», «Қарши—8» сингари янги ва истиқболли навлар уруғи тайёрлаб қўйилди. Бироқ баъзи вилоятларда экишга тайёргарлик кўнгилдагидек эмас. Кўкламда ҳайдаш учун қолдирилган 415 минг гектар ернинг 300 минг гектарини ҳам шудгорлашга тўғри келади. Бу иш, айниқса, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Устига-устак ана шу вилоятларда ҳайдов тракторларини таъмирлаш ишлари суст. Ҳатто республика кўрсаткичидан ҳам паст. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида сеялкаларнинг тўқсон тўққиз фоизи шайлаб қўйилди. Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида сеялкаларнинг ремонти чўзилгани туфайли республика бўйича умумий кўрсаткич атиги 95 фоиз бўлиб турибди. Шу боис ҳали яна тўрт минг ҳайдов тактори, 1,5 минг сеялка ва шунча текисловчи машиналарни таъмирлаш зарур.

Пахта сеялкалари Андижон, Жиззах, Наманган ва Тошкент вилоятларида 99 фоизга етказиб тайёргарлик чизиғига келтирилди. Умуман, республика бўйича техниканинг 98 фоизи тахт. Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бу борада республика кўрсаткичидан ва ўтган йилги даражадан камроқ иш бажаришди.

Режа бўйича 149 минг тонна чигитни тозалаб қўйиш керак эди. Бу вазифани барча вилоятлар бажаришди. Бухоро, Хоразм, Наманган, Тошкент вилояти пахта тозалаш заводлари уруғлик тайёрлаш борасидаги вазифани ортиғи билан уддалашди. Аммо чигитни туксизлантириш муддати ўтиб кетганига қарамай, Самарқанд, Андижон, Фарғона вилоятларида экиш учун ажратилган 22,3 минг тонна уруғликнинг бор-йўғи йигирма минг тоннаси шайлаб қўйилди. Умуман, экиш мавсумида 97 минг тонна уруғликка заҳарли моддалар билан ишлов берилиши керак эди. Ана шу заҳарли моддалар етишмаганлиги туфайли аввалги йиллардан қолиб кетган моддалар билан атиги йигирма минг тонна чигитга ишлов берилди.

Органик ўғитлар ва компост тайёрлаш ишлари қизғин. Қорақалпоғистон, Бухоро ва Хоразм вилоятларида компост тайёрлаш 105—225 фоизга бажарилди. Наманган вилояти хўжаликлари эса маҳаллий ўғит тайёрлаш вазифасини уддалашди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса бу иш атиги 50 фоизга уддаланди.

— Кўклам барча соҳадаги деҳқонларни оширимоқда. Сабзаводчилар, боғбонлар ва ғаллакорлар ҳам мавсумни бошлаб юборишди. Уларда аҳвол қалай?

— Умуман олганда, кўкламга кузгаёқ пухта ҳозирлик кўрилганди. Масалан, 2 миллион 140 минг гектар майдон ҳайдаб қўйилди. Шуниси қувончлики, ерларни ҳайдаш олдидан 562 минг гектарга фосфор, 357 минг гектарга калий ва 251 минг гектар ерга маҳаллий ўғитлар солинди. Юз минг гектардан зиёд майдонда пушта олиб қўйилди.

Кузда 816 минг гектар ерга ғалла экинлари жойлаштирилди. Бу аввалги йилга нисбатан 110 минг гектар кўпдир. Шуниси қувончлики, агар тўқсонинчи йилда ғалла экинлари орасида бўғдой 59 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил экиннинг етмиш фоизини бўғдой ташкил этди. Кўкламда эса қўшимча 36 минг гектар ерга дон сепилди. Экиш структурасининг ўзгариши туфайли бу йил баъзи хўжаликлар, ҳатто районлар ўзларини ўзлари ун билан таъминлашлари мумкин.

Ҳозир бошоқли дон экинлари, беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлар экиш суръати тобора ошиб бормоқда. Янги боғ-роғлар ва токзорлар яратилмоқда. Бу йил 20 минг гектар боғ ва 11 минг гектар токзор бунёд этилади. Буларнинг бари республикамиз аҳолисининг дастурхонини тўкин қилишга хизмат қилади.

— Маълумки, кўклам қувончли хабарлар билан бошланди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинган кун—2 мартда Намангандан яна бир хушхабар тарқалди. Энди Ўзбекистон ўзининг «қора олтин»ига ҳам эга бўлди. Бундан буён «оқ олтин» етиштиришни камайтириб борамизми, ёки?..

—Мингбулоқда нефть фавворaси отилиб чиққани қувончли ҳол, албатта. Лекин «қора олтин»га эга бўлдик, деб «оқ олтин»ни кескин камайтириб юбориш ҳам ярамайди. Бироқ пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш борасида аста-секин тадбирлар кўриляпти. Масалан, бу йил дастлабки режаларга кўра пахта майдони бир миллион 650 минг гектарни ташкил этади. Солиштириш учун айтиб ўтаман. Бундан беш йил бурун, яъни саксон еттинчи йилда пахта майдонимиз 2 миллион 107 минг гектарни ташкил этарди. Энди эса пахта барча суғориладиган майдоннинг атиги ярмини эгаллайди.

Бу экин, айниқса, пахтачилик хўжаликларида сезиларли даражада камаяди. Уларда беш йил аввал 73,7 фоиз ерни пахта ташкил этган бўлса, ҳозир бу миқдор 62,4 фоизга яқинлашди. Пахтадан бўшаган майдонларда аввалги йиллардагидек озуқа етиштирилади, сабзавот, мева экилади. Фермерлик хўжаликлари ҳам кенгайиб боради. Ердан фойдаланишдаги бу сиёсат ҳосилдорликни ошириб, режа топшириқларини ортиғи билан бажариш имконини берди. Фақат ўтган йилнинг ўзида ҳосилдорлик гектар ҳисобига беш йил аввалгига нисбатан тўрт центнер кўпайди. Ялпи ҳосилдорлик ҳам ўсиб борди.

— Ўтган йили хўжаликлар ўз ихтиёрлари билан режадаги 70 минг тонна, режадан ташқари 65 минг тонна пахта толасини ўзлари сотиш имкониятига эга бўлдилар. Бу йил эркин нархда сотиладиган тола бундан ҳам кўпроқ бўлса керак? Албатта, даромад ҳам шунга яраша мўмайгина бўлар?

— Ўтган йилнинг сентябрь ойида республика Президентининг Фармонига кўра режани бажарган хўжаликлар режадаги ҳосилнинг беш фоизини ва режадан ташқари пахтанинг ҳаммасини ихтиёрий равишда сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунда хўжаликлар толани фақат ҳамдўстлик мамлакатларида эмас, балки чет элларда ҳам сотиш, уни керакли буюм ва асбоб-ускуналарга алмаштириш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу деҳқонлар томонидан қувонч билан қутиб олинди ва терим суръати тобора ошиб борди.

Пахтанинг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни ҳамон камайгани йўқ. Шу боис бозор муносабатлари йўлида яна бир дадил қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра эндиликда қишлоқ хўжалик корхоналари, колхоз ва совхозлар топшириқдаги пахта толаси, пилла, дон, шоли, қуруқ мевалар, қорамол, парранда, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг 85 фоизини давлатга топширадилар. Мева-сабзавот ва картошканинг атиги 50 фоизини харид нархларида етказиб берадилар. Қолгани эса эркин нархларда сотилади.

1992 йилда хўжаликлар эркин нархларда сотиш ва ўзларига зарур бўлган молларга алмаштириш учун 207,6 минг тонна режадаги ва режадан ташқари пахтадан фойдалана оладилар. Ўйлаймизки, тола миқдори ўтган йилгидан кам бўлмайди. Юқоридаги қарорда кўрсатилганидек, режадаги толанинг 15 фоизини эркин сотиш натижасида пахтачилик хўжаликлари 20 миллиард сўмликдан зиёд қўшимча даромад кўришлари мумкин. Бунда албатта, тола сифатли бўлиб, тўртинчи ва бешинчи типдагиси биринчи навни ташкил этиши керак. Бироқ, афсуски, кенг майдонларга экилаётган кўпгина нав ғўзаларимиз қатор ҳудудларда биринчи навли ҳосил бермаяпти. Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасининг асосий майдонларида экилаётган «АН—Боёвут—2», «С—6524», «С—9070», «С—4727», «Бухоро—6», «Қирғиз—3» ва бошқа навлар шулар жумласига киради.

Яхшики, юқоридаги қарор бир йил аввал қабул қилинди. Зеро, хўжаликларда мавсумга яхши тайёргарлик кўриб, ўтган йилги камчиликларни тугатиш имкони бор. Биз айниқса, тола сифатини яхшилашга эътибор беришимиз керак. Бу борада муаммолар ҳам борки, улар бевосита олимларимизга таалуқли.

Улар тўла етилмаган янги навларни районлаштириб юбормоқдалар. Бунинг устига хўжаликлар нав агротехникасига риоя қилишмайди. Баъзан эса бир хўжаликнинг ўзида бир неча нав чигити жойлаштирилади. Бу албатта пахта заводларидаги ишларни ҳам қийинлаштиради, навлар аралашиб кетади. Уруғликни дорилашда заҳарли моддаларнинг етишмаслиги ҳам ишнинг белига теппмоқда. Бунинг оқибатида ўсимлик касалликларга чалинмоқда. Зараркунандаларга ем бўлмоқда. Шунга қарамай бу йил эртапишар ва яхши тола берадиган навлар экилиши керак.

Органик ўғитлар ва компост тайёрлаш ишлари қизғин. Қорақалпоғистон, Бухоро ва Хоразм вилоятларида компост тайёрлаш 105—225 фоизга бажарилди. Наманган вилояти хўжаликлари эса маҳаллий ўғит тайёрлаш вазифасини уддалашди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса бу иш атиги 50 фоизга уддаланди.

— Кўклам барча соҳадаги деҳқонларни оширимоқда. Сабзаводчилар, боғбонлар ва ғаллакорлар ҳам мавсумни бошлаб юборишди. Уларда аҳвол қалай?

— Умуман олганда, кўкламга кузгаёқ пухта ҳозирлик кўрилганди. Масалан, 2 миллион 140 минг гектар майдон ҳайдаб қўйилди. Шуниси қувончлики, ерларни ҳайдаш олдидан 562 минг гектарга фосфор, 357 минг гектарга калий ва 251 минг гектар ерга маҳаллий ўғитлар солинди. Юз минг гектардан зиёд майдонда пушта олиб қўйилди.

Кузда 816 минг гектар ерга ғалла экинлари жойлаштирилди. Бу аввалги йилга нисбатан 110 минг гектар кўпдир. Шуниси қувончлики, агар тўқсонинчи йилда ғалла экинлари орасида бўғдой 59 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил экиннинг етмиш фоизини бўғдой ташкил этди. Кўкламда эса қўшимча 36 минг гектар ерга дон сепилди. Экиш структурасининг ўзгариши туфайли бу йил баъзи хўжаликлар, ҳатто районлар ўзларини ўзлари ун билан таъминлашлари мумкин.

Ҳозир бошоқли дон экинлари, беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлар экиш суръати тобора ошиб бормоқда. Янги боғ-роғлар ва токзорлар яратилмоқда. Бу йил 20 минг гектар боғ ва 11 минг гектар токзор бунёд этилади. Буларнинг бари республикамиз аҳолисининг дастурхонини тўкин қилишга хизмат қилади.

— Маълумки, кўклам қувончли хабарлар билан бошланди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинган кун—2 мартда Намангандан яна бир хушхабар тарқалди. Энди Ўзбекистон ўзининг «қора олтин»ига ҳам эга бўлди. Бундан буён «оқ олтин» етиштиришни камайтириб борамизми, ёки?..

—Мингбулоқда нефть фавворaси отилиб чиққани қувончли ҳол, албатта. Лекин «қора олтин»га эга бўлдик, деб «оқ олтин»ни кескин камайтириб юбориш ҳам ярамайди. Бироқ пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш борасида аста-секин тадбирлар кўриляпти. Масалан, бу йил дастлабки режаларга кўра пахта майдони бир миллион 650 минг гектарни ташкил этади. Солиштириш учун айтиб ўтаман. Бундан беш йил бурун, яъни саксон еттинчи йилда пахта майдонимиз 2 миллион 107 минг гектарни ташкил этарди. Энди эса пахта барча суғориладиган майдоннинг атиги ярмини эгаллайди.

Бу экин, айниқса, пахтачилик хўжаликларида сезиларли даражада камаяди. Уларда беш йил аввал 73,7 фоиз ерни пахта ташкил этган бўлса, ҳозир бу миқдор 62,4 фоизга яқинлашди. Пахтадан бўшаган майдонларда аввалги йиллардагидек озуқа етиштирилади, сабзавот, мева экилади. Фермерлик хўжаликлари ҳам кенгайиб боради. Ердан фойдаланишдаги бу сиёсат ҳосилдорликни ошириб, режа топшириқларини ортиғи билан бажариш имконини берди. Фақат ўтган йилнинг ўзида ҳосилдорлик гектар ҳисобига беш йил аввалгига нисбатан тўрт центнер кўпайди. Ялпи ҳосилдорлик ҳам ўсиб борди.

— Ўтган йили хўжаликлар ўз ихтиёрлари билан режадаги 70 минг тонна, режадан ташқари 65 минг тонна пахта толасини ўзлари сотиш имкониятига эга бўлдилар. Бу йил эркин нархда сотиладиган тола бундан ҳам кўпроқ бўлса керак? Албатта, даромад ҳам шунга яраша мўмайгина бўлар?

— Ўтган йилнинг сентябрь ойида республика Президентининг Фармонига кўра режани бажарган хўжаликлар режадаги ҳосилнинг беш фоизини ва режадан ташқари пахтанинг ҳаммасини ихтиёрий равишда сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунда хўжаликлар толани фақат ҳамдўстлик мамлакатларида эмас, балки чет элларда ҳам сотиш, уни керакли буюм ва асбоб-ускуналарга алмаштириш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу деҳқонлар томонидан қувонч билан қутиб олинди ва терим суръати тобора ошиб борди.

Пахтанинг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни ҳамон камайгани йўқ. Шу боис бозор муносабатлари йўлида яна бир дадил қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра эндиликда қишлоқ хўжалик корхоналари, колхоз ва совхозлар топшириқдаги пахта толаси, пилла, дон, шоли, қуруқ мевалар, қорамол, парранда, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг 85 фоизини давлатга топширадилар. Мева-сабзавот ва картошканинг атиги 50 фоизини харид нархларида етказиб берадилар. Қолгани эса эркин нархларда сотилади.

1992 йилда хўжаликлар эркин нархларда сотиш ва ўзларига зарур бўлган молларга алмаштириш учун 207,6 минг тонна режадаги ва режадан ташқари пахтадан фойдалана оладилар. Ўйлаймизки, тола миқдори ўтган йилгидан кам бўлмайди. Юқоридаги қарорда кўрсатилганидек, режадаги толанинг 15 фоизини эркин сотиш натижасида пахтачилик хўжаликлари 20 миллиард сўмликдан зиёд қўшимча даромад кўришлари мумкин. Бунда албатта, тола сифатли бўлиб, тўртинчи ва бешинчи типдагиси биринчи навни ташкил этиши керак. Бироқ, афсуски, кенг майдонларга экилаётган кўпгина нав ғўзаларимиз қатор ҳудудларда биринчи навли ҳосил бермаяпти. Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасининг асосий майдонларида экилаётган «АН—Боёвут—2», «С—6524», «С—9070», «С—4727», «Бухоро—6», «Қирғиз—3» ва бошқа навлар шулар жумласига киради.

Яхшики, юқоридаги қарор бир йил аввал қабул қилинди. Зеро, хўжаликларда мавсумга яхши тайёргарлик кўриб, ўтган йилги камчиликларни тугатиш имкони бор. Биз айниқса, тола сифатини яхшилашга эътибор беришимиз керак. Бу борада муаммолар ҳам борки, улар бевосита олимларимизга таалуқли.

Улар тўла етилмаган янги навларни районлаштириб юбормоқдалар. Бунинг устига хўжаликлар нав агротехникасига риоя қилишмайди. Баъзан эса бир хўжаликнинг ўзида бир неча нав чигити жойлаштирилади. Бу албатта пахта заводларидаги ишларни ҳам қийинлаштиради, навлар аралашиб кетади. Уруғликни дорилашда заҳарли моддаларнинг етишмаслиги ҳам ишнинг белига теппмоқда. Бунинг оқибатида ўсимлик касалликларга чалинмоқда. Зараркунандаларга ем бўлмоқда. Шунга қарамай бу йил эртапишар ва яхши тола берадиган навлар экилиши керак.

• Тошкентда халқаро «Наврўз - 92» театр фестивали ниҳоясига етди

АШХОБОДДА УЧРАШГУНЧА

Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театри ўзининг «Темир хотин» асари (Шароф Бошбеков пъесаси) билан Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрида ўтказилган «Наврўз» фестивалида ғолиб чиққанида кўпчилик ажабланди. Москвада чиқадиган айрим рўзномалар ва Россия телевидениеси эса, фарғоналиклар муваффақиятини омадга йўйди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона театри жамоаси бунинг тасодифий эмаслигини кўрсатди. Улар янада баркамол саҳна асарлари яратишга қодир эканликларини, ҳали имкониятлари етарлилигини, изланиш йўлида чарчаш нималигини билмасликларини Тошкентда рўза ҳайитнинг биринчи куни ниҳоясига етган халқаро «Наврўз-92» фестивалида яна бир карра исботладилар. Фарғоналик артистлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарлари асосида саҳналаштирган — «Тошкентга саёҳат» ҳазил томоша муҳлисларни ҳам, мутахассисларни ҳам маҳлиё қилди. Ҳамза ижоди — санъаткорлар учун битмас-туганмас илҳом манбаилигига шак-шубҳа йўқ. Иқтидорли режиссёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг соҳиби Олимжон Салимов асарга замоновий руҳ бағишлади, янги ечимлар билан асар талқинини бойитди. Шу боис анжуман ҳаҳайатининг қарорига биноан «Тошкентга саёҳат» комедияси асосий — Халқаро театр арбоблари конфедерациясининг совринига ва пул мукофоти (йигирма минг сўм)га сазовор бўлди.

Ўзбекистон телевидениеси мазкур томошани тасвирга тушириб, ойнаи жаҳон орқали яқин кунларда намойиш этади, деб умид қиламиз. Токи миллионлаб мухлислар бу илҳомбахш асардан баҳраманд бўлсинлар.

Фестивалнинг бош («Гран при») соврини ва пул мукофоти (йигирма тўққиз минг сўм) Туркманистон Давлат ёшлар тажриба театрининг «Далли думбил» спектаклига берилди. Истеъдодли санъаткор Қақажон Ашуров саҳналаштирган бу асар оригинал талқинлари, режиссёр топилмалари билан томошабинларни ўзига ром этди. Гургут ота тўғрисидаги қадимги гагауз халқ эпосидан ҳикоя қилувчи бу асар фестивалдаги чинакам янгилик, иштиёқ билан кутилган воқеа бўлди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида турли жамоат ташкилотларининг совринлари ҳам топширилди. Жумладан, фарғоналик Муҳаммадсоли Юсупов «Эркак ролининг энг яхши ижроси учун» мукофотини олди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев режиссурада янги шаклларни излашдаги муваффақияти учун, Тошкент рус ёш томошабинлар театрининг режиссёри Наби Абдураҳмонов «Томошабин муҳаббатига сазовор бўлганлиги учун» совринига сазовор бўлди.

Анжуман байроғи туширилди. У одамларга маънавий озуқа улашишда, эртанги кунга ишончни мустаҳкамлашда, кишиларга далда беришда, қардош-қондош, тарихи, маданияти тақдири, дили бир халқларни жипслаштиришда, миллий бадиий маданиятларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Навбатдаги, бешинчи «Наврўз» фестивалини Туркманистон пойтахтида ўтказишга қарор қилинди. Ашхободда кўришгунча.

Э. САЪДУЛЛАЕВ.

АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Маълумингизки, 1992 йилнинг 30 мартида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Эътибор қилган бўлсангиз қарорда гап фақат харид ва улгуржи нархлар ҳақида боряпти. Аммо Савдо вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг совуққонлиги оқибатида айрим дўконларда чорвачилик маҳсулотлари оширилган нархларда сотила бошландики, бу кўзбўямачилик тошкентликларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 2 апрель куни Тошкент шаҳрининг текшириш ўтказилган 71 та магазинидан 5 тасида сут перейскурантда кўрсатилганидан ошириб сотилганлиги аниқланди. Бундай ҳоллар Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Сирғали, А. Икромов, С. Раҳимов ноҳиялари озиқ-овқат дўконларида ҳам содир бўлган.

Юқорида келтирилган фактлар шундан далолат бермоқдаки, Савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Тошкент шаҳар савдо бош бошқармасидаги масъул ходимлар ҳукумат ва Президент қарорларининг ўз вақтида бажарилишини таъминламаяптилар.

Базирлар Маҳкамаси, Президент девонига тушган шикоятлар зудлик билан кўриб чиқилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Савдода нарх устидан назорат ўрнатмаганлиги, қўл остидаги савдо корхоналарини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги, магазин мудирлари ва ишчи-хизматчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормаганлиги учун Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Абдурашид Раззоқовга нисбатан қатъий чора кўрилди. Тошкент шаҳар савдо бош бошқармаси бошлиғи Рустам Ўрозбоевга охирги марта огоҳлантириш шарти билан хайфсан эълон қилинди. Чилонзор райпишеторги директори Мажидов вазифасидан четлатилди. А. Икромов, Собир Раҳимов, Сирғали, Фрунзе райпишеторглари ҳамда 50-универсам магазини директорларига қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

Савдо ташкилотлари фаолиятини назорат қилмагани учун савдо бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мираюбовга ҳам хайфсан эълон қилинди. Харидорлар ҳақига хиёнат қилгани учун Чилонзор райпишеторгига қарашли 29, 39-магазинлар мудирлари Холматов ва Ориповлар ишдан бўшатилди.

Савдо вазирлиги ҳамда Тошкент ҳокимиятига назоратни бўшаштириб юборгани учун шу ишга даҳлдор барча раҳбар шахсларнинг масъуллик даражасини аниқлаш, жавобгарликка тортиш, лозим бўлса ишдан четлатиш топширилди.

Чорвачилик маҳсулотларини сотишни тўғри йўлга қўйиш учун барча чора-тадбирлар кўрилади, савдо тармоқлари фаолияти бундан кейин ҳам назорат остида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот шўъбаси.

Иқтисодий ислоҳотнинг туб мақсади — бошқаришнинг маъмурий усулларидан воз кечиш, хўжаликларга эркинлик бериш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ижара усулида ишни ташкил этишга боғлиқ.

Хўжалигимизда 1990 йили 1 миллион 432 минг сўм соф фойда олинган бўлса, бу рақам ўтган йили 3 миллион 722 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик тўқсонинчи йилга нисбатан 23 фоизга ошди. Ўтган йили 2720 гектар қўриқ ердан режадаги 6750 тонна ўрнига 7590 тонна пахта тайёрланди. Умумий даромаднинг 46 фоизи ишчиларга берилди.

ИЖАРАГА ЎТИБ ЮТҚАЗМАДИК

Давлат хўжалигининг Жўра Боллиев бошлиқ 3-агроучасткаси Майна Қурбонова, Расул Шукуров бошлиқ пешқадам бригадаларида бундан ҳам юқорироқ натижалар қўлга киритилди. Кўриниб турибдики, ижара усулида ишлашнинг қатор афзалликлари бор.

Фермер хўжалигимизда тармоқлар бир текис ривожланмоқда. Биз чорвачилик фермаларимизни ҳам ижарага ўтказганмиз. Бу маҳсулотни кўпайтирди. Агар тўқсонинчи йили 739 тонна сут тайёрланган бўлса, ўтган йилгиси 822 тоннага етди. Моллар маҳсулдорлиги ошди. Бу ана шу тармоқда ишловчи чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ҳам кескин ошириб юборди.

Тўғри, биз бу билан хўжалик ижараси — хўжалик юритишнинг мукаммал шакли деган фикрдан йироқмиз. Иш юритишнинг бу усулига келажак ва ҳаёт тузатиш киритиши мумкин. Лекин энг муҳими, амалга оширилаётган ҳар бир ишдан меҳнаткаш халқ манфаатдор бўлаётганлиги қувончли ҳол.

Норбой БОЗОРОВ,
Нишон районидаги 5-«Дўстлик» ижара фермер хўжалиги директори.

ИМОН-ИХТИЁРИМИЗ ЎЗИМИЗДА

● Саксон саккизинчи йилда оиламиз билан Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигига ҳудудида деҳқон хўжалиги туздик. Бугунги кунда бошлаган ишимизнинг меваси кўриб турибмиз. Жамоамиз ихчамгина. Отам Ниятқобил бобо, хотиним Рисолат, сингилларим Ойгул, Қумри укам Анвар, божам — Ибодулла — жами етти кишидан иборат. Ҳамма юмушларни уддалай оламиз. Вазифаларни бўлиб олган бўлсакда бир-биримизнинг ўрнимизда ишлаб кетаверамиз.

Хўжалик тузган йилимизда 130 бош молга мўлжалланган молхона қурдик. Кейинчалик хашак майдалайдиган ДКО аппарати, МАЗ юк машинаси, иккита трактор ва иккита тележка сотиб олдик. Давлат бизга икки юз минг сўм қарз берган эди. Икки йил ичида қарздан қутилдик. Эндиги фойданинг ҳаммаси ўзимизга қоляпти. 130 бош қорамол боқяпмиз. Шунинг олтмиштаси гавмуш. Ёғлиқ сут беряпти. Йигирмата семиз буқани эса яқин кунларда гўштга топширамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқатан ишласангиз меҳнатингиз зое кетмас экан. Шу ўринда бир мулоҳаза айтиб ўтмоқчиман. Ҳали бизда фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун шароитлар етарли эмас. Тўғри, район ҳокимияти бу масалага эътиборни кучайтиряпти. Бироқ, ҳар қадамда норасмий тўсиқларга дуч келяпмиз.

Демоқчиманки, деҳқон ва фермер хўжаликларини тезроқ кўпайтирайлик. Улар бир-бирлари билан рақобат қилган ҳолда халқимиз фаровонлигини таъминлайдилар. Ўзини эплолмаётган давлат ва жамоа хўжаликларини тугатиш тўғрисида дадил гапирадиган пайт келди.

Олим ҚОРАБОЕВ,
Иштихон районидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида ташкил этилган деҳқон хўжалиги бошлиғи.

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

Бухоро районидаги Файзулла Аллаев номли хўжалик беда экишни рай онда биринчи бўлиб ортиғи билан бажарди. Маккажўхори экишни ҳам тугатди. Карам, картошка, пиёз, экиш аллақачон поёнига етган, олди кўкариб чиқяпти. 35 гектар помидорга жўяк тортилиб, ерга қадалади. Бу ишларда М. Раҳмонов, Л. Сафаров, И. Ходиев сингари механизаторлар ибрат кўрсатишди.

Хўжаликда узумчилик ишлари ҳам яхши. Хисордан 40 мингтадан зиёд ток кўчатлари олиб келинди. М. Раҳматов, Х. Ёдгоров, С. Эргашев, А. Алиев бошлиқ илғор бригадалар умумий майдони 40 гектар бўлган янги узумзорларга асос солишди. Райондаги «Москва» жамоа хўжалигида ҳам кўкламги экиш пухта тараддуд билан бошланди. Барча ишлар юксак суръат билан давом этяпти.

Афсуски, районда сусткашликка йўл қўяётган меҳнат жамоалари ҳам йўқ эмас. «Ўрта Осиё» билан бир қаторда «Правда», «Маданият» жамоа хўжаликларида беда экиш суст.

Шофиркон, Бухоро районларида бу муҳим тадбир 20—25 фоиз атрофида бўлаётганлиги ачинарли. Вилоят ҳокимияти бу ишнинг жойлардаги аҳволини текшириш, вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида раҳбар ва мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузди. Шу кунларда улар барча районларда сабзавот экишнинг боришини пухта ўрганишмоқда.

Мўл ҳосилга шу кунларда замин яратилмоқда. Ўйлаймизки, бухоролик деҳқон бунинг моҳиятини тушуниб, ғанимат фурсатлардан унумли фойдаланади.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Яйловда. В. ПАНОВ олган сурат-лавҳа.

• Республика прокуратурасида

Тартиб бўлиши зарур

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ички бозорни ҳимоя қилиш учун қонун йўли билан кўрилган чора-тадбирлар юкросига бағишланди.

Ўзбекистон ташқарисига бир қанча турдаги молларни олиб чиқиш чеклаб қўйилганлиги моллар етишмаслиги сабабли ноилож-ликдан кўрилган чора эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шу чеклашлар жорий қилинганидан кейин ўтган икки йил давомида бир неча юз миллион сўмлик мол-мулк олиб кетилишининг олди олинди. Бироқ фуқаролар томонидан прокуратура идораларига қонун бузилаётганлиги, мол ва моддий бойликларни олиб кетишни назорат қилувчиларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида бир талай шикоят ва аризалар тушмоқда.

Мусодара қилинган буюмларни савдо ташкилотларига топшириш вақтида аниқланган камчиликлар таҳлил этилди. Мусодара қилинган мол-мулкни баҳолаш ва сотиш масаласи шу вақтгача ҳал этилмаган.

Олиб кетилиши таъқиқланган ёки чекланган молларнинг рўйхати қайта кўриб чиқилиши лозим, дейишди нотиқлар.

Кенгаш қатнашчилари аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан чора-тадбирларни белгиладилар, амалдаги қонунларни такомиллаштириш, республика ташқарисига мол олиб чиқишда қатъий тартибни таъминлаш ва унга риоя этиш хусусида аниқ-равшан таклифлар киритдилар.

(ЎзА мухбири).

БУГУН — ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

БАРАКА ТОПИНГ

Анваржон Ҳусанов ҳақида гап борганда, «Умрингдан барака топгур, меҳрибон шифокор-да! Ўз ишига пухта билимдон, зуваласи пишиқ, абжир йигит, ширинсўхан. Ўғлинг бўлса, ана шунақа бўлса» дейишади беморлар. Ҳурматли газетхон ким экан у Анваржон Ҳусанов ва қаерда ишлайди деярсиз? Ошиқманг, бу шифокор билан сизни таништирамиз.

Анваржон Шаҳрихон шаҳар марказий шифохонасининг асаб хасталиклари бўлимида врач бўлиб ишлайди. Анваржоннинг бирданбир орзуси шифокор бўлиш ва эл-юрт соғлиғи йўлида ҳалол хизмат қилиш эди. Бу орзу уни Андижон Давлат тиббиёт олий билимгоҳига етаклаб келди. Анваржон олий билимгоҳнинг даволаш куллиётида етук олимларнинг сермазмун лекцияларини тинглади, билимларни сабот билан ўрганди. Билимларини вилоят шифохоналарида ўтказилган амалий машғулотларда мустаҳкамлади, табобат назарияси билан ҳар томонлама пухта қуролланди.

Анваржон Ҳусанов 1984 йилда олий билимгоҳни муваффақиятли тамомлагач, бир йил вилоят клиника шифохонасида ординатор бўлиб ишлади, ҳаёт қозонида қайнади, пишди ва тажриба орттирди. У 1985 йилдан буён Шаҳрихон шаҳар марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлимида ишлаб келаётир.

Шифокорнинг фикрларини билиш мақсадида касалликлар тарихи варақаларини кўздан кечирамиз. У бу ерга ишга келганидан бери қанчадан-қанча беморни оёққа турғазди. Ортиқали Маннопов, Нўъмонжон Мадаминов, Маҳбубахон Боқиева, Валижон Йўлдошев, Саодатхон Ҳошимова ва бошқа юзлаб беморлар ўз оиласига соғайиб, шод-хуррамлик билан қайтишибди. Улуғ Ватан урушининг II-гуруҳ ногирони Мадаминжон Тўхтасинов шифохонадан қайтар экан:

— Раҳмат, ўғлим! Менга нисбатан кўрсатган меҳрибончилигингизни сира-сира унутмайман. Барака топинг! — деди. Неъматжон Нўъмонов, Ойдиной Мирзаматова, Нодирахон Мамиталиева, Роҳатой Холдарова сингари ҳамширалар ҳам беморларнинг меҳрини қозонишмоқда.

Анваржон Ҳусанов ўз устозлари, маслакдошлари билан маслаҳатлашиш ва фикр олишишни хушлайди. К. Қамбаров, А. Шакарьян (Андижон шаҳридан), А. Каримов (Шаҳрихон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг бўлим мудири) ва бошқалар билан табобатдаги охирги янгиликлар борасида қизғин баҳслашиб туради. Унинг бевосита ташкилотчилиги,

Бўз районидаги «Озод» жамоа хўжалиги деҳқонлари учун яна бир қулайлик яратилди. Яқинда бу ерда 90 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Боғчада кичкинтойларнинг соғлом ва бақувват ўсишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

СУРАТЛАРДА: 1. Боғчанинг умумий кўриниши. 2. Мудира Маҳбубахон Кенжаева тарбиячилар билан мулоқотда.

Суратқаш Т. ҒАФУРОВ.

ҲОДИСА

УМИДАНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Андижон районидаги 40-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси Умида мактабдан қайтаётиб бехосдан ариқ тўла оқаётган сувга йиқилиб хушидан кетди. Қизча анча жойгача оқиб, чўкай деганда унинг синфдоши Ҳусан Аҳмадалиев сувда кетаётган Умидани кўриб қолди. Уни сувдан қутқариб олишга кўзи етмагач, чоратрофга аланглаб ёрдамга бирон-бир кишини излайди. Бирдан шу маҳаллада яшовчи Нўъмонжон Шокиров келиб қолади ва сувга чўкиб улгурмаган қизчани тортиб олади. Воқеадан хабар топган Садирхон ака Зайнобиддинов турмуш ўртоғи Табассумхон ая Умидани қутқариб қолган кишиларга миннатдорчилик билдиришди. Қизчага ёрдам кўрсатиш учун «тез ёрдам» етиб келиб, уни касалхонага олиб кетди.

Умиданинг ҳаёти сақлаб қолинди. И. ИСМОИЛОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

„ЎЗБЕКИСТОН" АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ • „ЎЗ. АГРОПРОМ БИРЖА „ЎЗБЕКИСТОН"

ИККИ ҲАФТАДА ОБРЎЛИ БРОКЕРЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН!

ЙИГИТЛАР, ҚИЗЛАР, ЕШЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агар Сиз ўз тақдирингизни белгилаётган бўлсангиз ва ҳозирги омилкор дунё кишиси касби — брокерликни эгалламоқчи бўлсангиз — Сизга «НУРИСТОН» ассоциацияси ёрдам беради.

Брокер — биржадаги асосий киши бўлиб, у мижозлар манфаатини оқилона ҳимоя қилади, жамиятнинг гуллаб-яшнашига кўмаклашади.

Сиз «НУРИСТОН» ассоциацияси томонидан Ўзбекистон ёшлар институти қошида ташкил этилган икки ҳафталик курсларни тугаллаб, брокер бўлишингиз мумкин. Икки ҳафталик жадал ўқув жараёни мобайнида Сиз ўз ҳаётингиздаги асосий касбни эгаллайсиз, бу қизиқарли ишнинг маҳорат сирлари ва нозик томонларини билиб оласиз. Курсни тугаллагач, СИЗ МДҲ даги исталган биржада операциялар бажариш ҳуқуқини берадиган брокернинг малака сертификатини оласиз. Сизни биржа ишлари ва брокерлик фаолияти асослари билан таништирувчи ҳужжатлар мажмуи билан таъминлашади.

Мазкур курсларни битирган 200 га яқин брокерлар ҳозир «ЎЗБЕКИСТОН» агропромбиржасида ишлаб, унинг бугунги ютуқларига сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

«НУРИСТОН» ассоциацияси таъсис этувчи ва акционерлардан иборат ташкилотлар вакилларидан брокерлар тайёрлаш бўйича биринчи босқич ишларини якунлаб, энди МДҲ ва Ўзбекистон биржаларида ишлаш учун хўжаликлар ва мулкка эгалик фирмаси турлича бўлган корхона ҳамда ташкилотлар вакилларидан брокерлар тайёрлашга киришмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН» агропромбиржа анъаналари изидан бораётган ва унинг таъсисчиларидан бири бўлган «НУРИСТОН» ассоциацияси ёшларнинг моддий аҳволи оғирлигини ҳисобга олиб, ўқиш учун тўланадиган ҳақни учдан бир миқдорда пасайтирди.

Уй-жойга муҳтожлар ўқиш даврида меҳмонхона билан таъминланадилар.

* * *

«НУРИСТОН» ассоциациясининг етакчи мутахассислари консультациялар ўтказадилар, брокерлик фирмалари ва идоралари, масъулияти чекланган кичик корхоналар ҳамда жамиятларни рўйхатдан ўтказишда зарур бўладиган ҳужжатлар мажмуини тайёрлайдилар ва тақдим этадилар.

Маълумотлар учун телефонлар: (3712) 45-68-67; 45-87-58.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

● ОЛИЙ ЛИГА жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Бу сафар мухлислар «Пахтакор» футболчиларининг учрашувини эътибор билан кузатдилар. Ишқибозларнинг кўнгли таскин топди. Владикавказ спартакчилари сафида ўйнаётган И. Шквирин, М. Қосимов, Г. Денисовлар ҳамжамоалари билан майдонга тушдилар. Тошкентликлар Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини қабул қилишди. Учрашув қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. Пахтакорчилар дарвозага иккита жавобсиз тўп киритишди. Тўпларни В. Қосумов дарвозага йўллади. Қолган учрашувлар ҳам мароқли бўлди. Жумладан «Пахтакор—79» жамоаси «Шаҳрихончи» футболчиларини қабул қилиб (1:0), ғалаба қозонишди. Темирйўлчилар «Орол» футболчиларининг меҳмони бўлиб, 2:0 ҳисобида устун келишди. «Наврўз» — «Янгиер» жамоалари учрашуви 2:1 ҳисобида тугади. «Навбаҳор» жамоаси хориж сафарида юрганлиги туфайли «Марокканд» билан учрашуви кечиктирилди. Кеча бўлиб ўтган яна икки учрашув билан навбатдаги тур ўйинларига якун ясалди. Ҳозир «Темирйўлчи» ва «Пахтакор» жамоалари 5 та очко билан пешқадамлик қилишмоқда.

НАФОСАТ БАҲСИДА

● МОСКВАДА спорт гимнастикаси усталари ўртасида қизиқарли мусобақа ўтказилди.

Мусобақада иштирок этган республикамиз гимнастикачилари ҳам совринли ўринларни эгаллашди. Жумладан, таниқли спортчи Оксана Чусовитина таяниб сакрашда олтин медални қўлга киритиб, тўсиқдаги машқ бўйича кумуш медалли бўлди. Унинг ҳамюрти Розалина Галиева ҳам қўш медалли бўлди. Чунончи у тўсиқдаги машқни ўрнига қўйиб бажариб, ғалаба қозонган бўлса, эркин машқларни бажариш бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

МАРРАДА БИРИНЧИ

● ТОШКЕНТ денгизида эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Ёлғиз эшкак эшиш баҳсида сирдарёлик Иван Локотков маррада биринчи бўлди. Шунингдек, у Андрей ва Александр Демин, Василий Палонниковлар билан тўрт кишилик қайиқ ҳайдашда ҳам маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супасига кўтарилди.

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

● ТОШКЕНТДА ёш полвонлар ўртасида қизиқарли мусобақа бўлди.

Байналмилалчи жангчилар хотирасига бағишланган бу мусобақада умидли ёшлар камол топаётгани кўзга ташланди. Жамоа ҳисобида тошкентлик ўсмирлар биринчи ўринни эгаллашди. Шахсий ҳисобда муваффақият қозонганлар орасида нукуслик Рустам Жабборбергенов, тошкентлик Талғат Илёсов, қарағандалик Айдар Бимуҳаммедов, бишкеклик Владимир Рязанцевларнинг чиқишлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

УСТАЛАР УСТОЗИ

• ЁДНОМА

Излар... Излар кўп, лекин, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Излар — бу босиб ўтилган йўлми ёки кечаги хотираларми? Изтиробли ташвишларми ё қувончли таассуротларми? Йўқ. Бу — маъноли ҳаёт, сермазмун ижтимоий фаолият, том маънодаги эзгулик, тан олинган эл раҳмати. Ҳалол меҳнатдан роҳат сари етакловчи машаққатли йўл... Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими, машҳур пазанда Ориф ака Турсуновни ёдга олганимда доимо юқоридаги фикрлар вужудимни қамраб олади. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, у одамларнинг нақши эди. Ўзлигини унутиб, ўзгаларни ўйларди. Уларнинг қувончи, ташвиши, дарди, мақсадига шерик бўлиб яшашга одатланганди. Бир майизни қирқ киши бўлиб еганидек, бор меҳрини, тажрибасини ҳамкасби-ю шогирдларига улашарди. У тўю тантаналарда, байраму кечаларда тўрдан кўра пойгакни афзал кўрарди. Боиси, нияти қутлуғ — қаерда, кимникида, қандай шароитда бўлмасин отадан улуғ меҳмонни, ташриф буюрган юзлаб, минглаб кишиларни кўнглини олиш, руҳини кўтаришдан иборат эди. Бу мезон ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган пазандалик санъати билан ўлчанарди.

Марҳум Карим Маҳмудов ўзининг «Халқ пазандаси» деб номланган китобини Ориф ака санъатига бағишлаганининг ўзиёқ унинг халқ орасида нақадар машҳурлигидан далолат беради. У шогирдлари билан Москвага бориб пазандалик кўриги ташкил этди. Кўрик ғолиби сифатида СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Олтин медали билан тақдирланди. Унинг номи Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг «Фахрий китоби»га ҳам ёзилди. Менимча, халқ ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлишда унинг луғатида «шахсий» деган сўзнинг умуман йўқлиги сабабмикан, деб ўйлайман. Зотан, у билан Тошкент ресторани ошхонасида бирга ишлашган ўн йил давомида Ориф акани бирор марта «мен», «ўзим» деган сўзларни эшитмаганман. Етти ўлчаб бир кесадиган устозимни доим изланишда, шогирдларига бирор нарсани ўргатаётган ёхуд ўзи янги таом устида бош қотираётган пайтларда учратардим. Оддий ва одил, камтар ва камсуқум, бағри кенг ва беғубор инсон — Ориф ака менинг тасаввуримда юқоридаги фазилатларга осонликча эришмаган эди.

Унинг тақдирида 6—7 яшарлигиданоқ меҳнат қила бошлаш ёзилган экан. Нон чора, яримта нон ёки бир пиёла сут учун бировларнинг молини боқди. Янгийўл гузарида чойхоначига дастёрлик қилди. Ўн икки ёшида унинг номига меҳнат дафтарчаси очилди. Кичик бир ошхонага ошпаз шогирди бўлиб ишга кирди. Оёқ-қўли чаққон, саранжом-саришта, покиза табиат бу болакайга ўша даврнинг таниқли ошпази Қудрат пазанданинг назари тушганди...

39-йили ҳарбий хизматга чақирилди. Уйга қайтиш арафасида уруш бошланиб қолди. Қўлида гоҳо қурол, гоҳо капгир-чўмич билан йигитлик бурчини ўтади. Бир неча бор яраланди. Беш марта жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлди. Қирқ йил қирғин бўлса ажали етган ўлади, деганлари тўғри экан. У эсон-омон, лекин иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб уйига қайтди.

Орада анча сувлар оқиб ўтди. Кечаги Орифжон энди уста пазанда, ўнлаб шогирдларга оқ фотиҳа берган устоз, моҳир ташкилотчи эди. Унинг ташаббуси билан сўлим Анҳор бўйида «Анҳор» ресторани ва чойхона ташкил этилганлигини кўпчилик билмаса керак. Москвада «Ўзбекистон» ресторан-чойхона бунёд этилишида ҳам устознинг ташкилотчилиги асқотди. Ориф ака Ҳиндистонга бориб, шарқона таомлар тайёрлашнинг ўзига хос томонларини ўрганиб қайтгандаги ҳолатини ҳеч қачон унутолмаса керак. У ёшариб, серҳаракат, серзавқ ва айни пайтда шогирдларига янада талабчан бўлиб қолганди. Шундан кейин у пазандалик, шакарпазлик, сомсапазликда қатор янгиликлар яратишга киришди. «Тошкент» шўрваси, шу номдаги салат, қовурма лағмон, «Юбилей» салати, Бедана кабоб, «Турист» кабоби, «Ўзбекистон» котлети, ток шўрва, беҳи дўлма каби ўнлаб таом турлари унинг изланишлари самараси эди. У қирқ йилдан кўпроқ эъзозлаган ўз касби-корини санъат даражасига кўтарган соҳа жонкуяри, қатор миллий таомлар ихтирочиси сифатида кўз ўнгимизда ҳамиша гавдаланади.

— Мазали таом тайёрлаш фақат билимгагина эмас, балки, дид, тажриба, маҳоратга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ, — деган сўзларни такрорлашни яхши кўрарди устоз.

Орадан анча йиллар ўтишига қарамай «Тошкент» ресторани олдидан ўтгудай бўлсам юрагим орзиқиб кетади. Ориф акани кўргандай, суҳбатлашгандай, ўгитларини эшитгандай бўламан. Ўша даврга хос одатлар, кўникмалар ёдга тушади. Айтайлик, пазандалик соҳасида бирор салоҳиятли ошпаз кўзга кўринса бўлди — уни албатта, дарров раҳбарликка кўтариш одат тусига кирганди. Раҳбар эса хўрландаларга таом тайёрлаб бермайди-ку. Шу тариқа ресторан ёки умумий овқатланиш идораси тасаруфидаги ошхоналарда файз кета бошларди. Бу ҳозирги даврга ҳам хос қусурлардан биридир.

Яна бир гап — овқатлар сифати ҳақида. Умумий овқатланиш тармоқларида хўрандалардан тушадиган даромад тўғрисида ўйлаш одат тусига кирганлиги сир эмас. Айниқса, одамлар кўп тўпланадиган катта автобекатлар, вокзал, тайёрагоҳлар атрофидаги ошхоналар таомлари кўнгилни беҳузур қилади. Чунки юлғич ошпазлар бу ерларда хўрандалар шошилиб турганликларидан овқат танлашга вақтлари йўқлиги, шу боис нимага дуч келсалар ўша томни заруратдан танавул қилишларини яхши билишади. Бундан ташқари, ошхоналарга етказиб берилаётган масаллиқлар сифати ҳақида ҳам тузук гап айтиш қийин. Тўғри, ошпазлар ораси да тўйларда юзлаб одамларга лаззатли ош дамлайдиган мутахассислар ҳам талайгина. Энди шу ўринда «Нега улар шундай ошни ёки бошқа миллий таомни давлат ошхонасида тайёрлай олмайдилар?» деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шуки, шахсий хонадонларда тайёрланадиган таом учун энг муҳим маҳсулотлар — янги масаллиқлар, ошқўк, зирк, зираворлар, нўхот, мушку анбар, зарчава, думба ёғ ва ҳоказолар талаб қилиб олинади. Давлат ошхоналари омборларида эса таомни мазали хушхўр қиладиган ҳатто оддий ошқўқларнинг топилиши мушкул. Зираворларни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Ўзбек миллий таомлари довруғи на фақат мамлакатда, балки хорижда ҳам устивор. Шу боис моҳир пазандалар жўнатилишини сўраб АҚШ, Швейцария, Бельгия, Италия ва бошқа мамлакатлардан хатлар келаётгани бежиз эмас. Лекин ўзимиздачи? Гап келганда отангни ҳам аяма, деганларидек, шу ўринда аччиқроқ бўлса-да бир мулоҳазани айтиб ўтишни бурчим деб, ўйлайман. Пазандалик соҳасига эътибор — гўё панжа орасидан қарагандай. Гўё ошпазларнинг ҳаммаси масаллиқнинг ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб қолади. Тўғри, улар ичида қинғирлари ҳам оз эмас. Лекин, бирники мингга, мингники туманга бўлмаслиги керак-да. Агар, аксарият ошпазларнинг иш кунлари ерталаб соат бешдан бошланиб, то кечгача давом этишини, дам олишга деярли вақтлари етишмаслигини ҳисобга олсак, бу касб нақадар мураккаблиги ва машаққатлилиги равшан бўлади. Бинобарин, шу касб-корга бутун умрини бахшида этган, уни санъат даражасига кўтара олган Ориф ака сингари пазандалар оз эмас. Бироқ ана шундай одамлар ҳақида бир оғиз илиқ гап айтилмайди. Матбуот, радио-телевидениеда ҳам бу соҳа жонкуярлари, қалашиб ётган муаммолар юзасидан чиқишлар, эшиттиришлар ва кўрсатувлар деярли уюштирилмайди. Кечагина тўй-тантаналарда юзлаб одамларнинг ҳожатини чиқарган, таоми халққа манзур бўлиб донг таратган пазандалар ҳаётдан кўз юмгач унутиб юборилади. Нима учун улар номларини абадийлаштириш мумкин эмас?

Фикримизни далиллаш учун фақат биргина мисолга мурожаат этайлик. Ориф ака Турсунов ҳаётлигида нафақат халқ, балки ҳукуматимиз томонидан ҳам эъзозланганди. У кўп йиллик самарали меҳнат фаолияти учун ўнлаб фахрий ёрлиқлар, медаллар, Ленин ордени ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган эди. Устоз тирик бўлганида ҳозир 75 ёшга тўлган бўларди. Тирик бўлганида... Ҳа, тирик бўлганида у яна қандайдир мукофотга тавсия қилиниши ҳам аниқ эди. Бироқ, эндичи? Менимча, киши тириклигида улгуролмаган яхшиликни у ҳаётдан кўз юмгач бир неча баравар кўпроқ қилиб қайтариш керак. Ана шулар ҳақида республика Савдо вазирлиги, жойлардаги унинг бошқармалари, умумий овқатланиш тармоқлари ва маҳаллий ҳокимият раҳбарлари жиддий ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз.

Яқинда Шарқ таомлари бўйича пазандалик уюшмаси тузилди. Бу уюшма ўзбек пазандачилиги шуҳратини тиклаш учун бирмунча ишларни қилмоқда. Бироқ, менинг фикримча, умумий овқатланиш нуқталарини кенг хусусийлаштирмасдан туриб мақсадга эришиш қийин. Шундагина таомларда туб сифат ўзгаришлари содир бўлиши мумкин. Шундагина Ориф ака ўзи ижод қилган ва уни оммалаштиришни орзу қилган умидлари рўёбга чиқади. Худди шундагина миллий пазандаликни ривожлантириш имконияти туғилади.

Ш. СОЛИҲОВ,
Уста-пазанда.
Тошкент шаҳри.

• *Бетга айтганнинг заҳри йўқ*

ВАЪДАБОЗ ШИРКАТЧИЛАР

Очиғини айтиш керак: ширкатчи (кооператив)лар ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг фикри бир хил бўлмайди. Биров мақтаса, яна кимдир улар фаолиятидан норози эканлигини изҳор этади. Бу гап аксарият ҳолларда беосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ширкатлар тўғрисида айтилади.

Илгари биз ҳам шундай деб ўйлардик, Лекин бошимиз деворга урилиб, кўзимиз мошдек очилгандан сўнг бу фикримизнинг нотўғрилигини тушуниб етдик. Қисқаси, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ширкатлар орасида ҳам эгри йўлдан қайтмайдиганлари бор экан.

Бунга мисол дейсизми? Мана эшитинг. 1989 йилда бизнинг Сайхунобод (эски юқори Волин) пахта тозалаш заводимиз Тошкент шаҳридаги «Метан» ширкати билан ҳамкорлик шартномасини имзолади. Унга кўра, ширкатчилар корхонамизга 1000 метрлик узунликдаги газ қувурини ўрнатиб беришлари шарт эди. Қурилиш-монтаж ишларининг умумий баҳоси 24 минг сўм қилиб белгиланди.

«Метан» ширкати аъзолари ваъдага мувофиқ ишни ўша йилиёқ бошлашди. Бироқ монтаж ишлари шундайлигича қолди. Мана, икки йил ўтяптики, ҳанузгача қувур ўтказиш тугаллангани йўқ. Қайтанга 1991 йилнинг ёзида ширкат маъмурияти нархлар ўзгарди, деб монтаж ишлари баҳосини 61000 сўмга кўтариб, қайта шартнома тузишни таклиф этишди.

Биз корхона иситиш қозонларини газ билан ишлайдиган қилиб берсаларинг бўлгани деб, уларнинг бу шартига ҳам кўндик. Афсуски, ўзгариш бўлмади. Газ қувури ўтказилмай қолиб кетди. Тўғриси, икки йил давомида мен ва завод капитал қурилиш бўлими бошлиғи Н. Ҳайитов Тошкентга ҳар ҳафтада бўзчининг мокисидек қатнадик. Ширкатчилар эса «эртага борамиз, сўнгги ҳафтадан ишни қайтадан бошлаймиз», дея қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмади. Ахийри жарима солишга мажбур бўлдик. Лекин бу ҳам фойда бермади.

Ҳурматли муҳарририят! Ваъдага вафо мардларнинг иши эканлигини «Метан» кооперативи маъмуриятига эслатиб қўярсизлар, деб сизларга мурожаат қилаяпмиз. Зора, рўзномани ўқиб, ширкатчиларда ориятқучлилик қилса-да, биз томонга йўл олишса, деган ниятдамиз.

И. КАФЛАНБОЕВ,
Сирдарё вилоятидаги Сайхунобод пахта тозалаш заводи директори.

• *Сизда қандай янгиликлар бор?*

АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИ

● Буюк соҳибқирон Амир Темур асли насаби қашқадарёлик. Қадимда саркарда йўл-йўлакай дам олиб ўтган жойлардан бири Қамаши райони марказидир. Қамашиликлар бунга самимий садоқатлари рамзи сифатида Амир Темур хиёбонини барпо этишга киришдилар.

Уч гектардан ортиқ майдонни эгаллаган хиёбон район ҳокимияти биноси қаршисида бунёд этилмоқда. Ана шу жойда улуғ бобомиз ўзининг шавкатли лашкарлари билан музаффарона жангга отланаётгани ифода этилган ҳайкал қад ростлайди. Ҳайкални тошкентлик ҳайкалтарош Улуғбек Мардиев раҳбарлигидаги гуруҳ тайёрлади.

Салтанат соҳибига эҳтиром рамзи сифатида Амир Темур фонди ҳам ташкил этилди. Банкдаги 70025 рақамли махсус ҳисобли жамғармага район, корхона ва ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликларидан маблағ келиб тушаётир.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА

● Қашқадарё вилояти ташкилотларидаги ёзув машинкалари ва ротаторларни доимий ишлатиш учун қулайлик яратилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ишлар бошқармаси ҳузурида ёзув машинкалари ва ротаторларни созлаш хўжалик ҳисобидаги устахона иш бошлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзагроқурилиш» жумҳурият ишлаб чиқариш давлатширкат бирлашмаси жамоаси Бухородаги собиқ 20-қишлоқ қурилиш трестида бошқарувчи бўлиб ишлаган

Аҳмад Яҳёевич МАҲМУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи жамоаси олий билимгоҳ касаба уюшмаси қўмитаси раиси, чет тиллар кафедраси мудираси, доцент Г. Муҳиддиновага турмуш ўртоғи

Шавкатжон УМАРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходимаси

Раъно Исмоиловна ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 389.880 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 69.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 ўрнида — 22.45. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.